

Ўзбекистон Республикасида бажарилган қурилиш ишлари


2025 йил январь-март ойлари учун

- I. Жами бажарилган қурилиш ишлари
- II. Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари
- III. Қурилиш ишлари ҳажмининг корхоналар турлари бўйича тақсимооти
- IV. Қурилиш ишлари бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Жами бажарилган қурилиш ишлари

2025 йилнинг январь-март ойларида, Ўзбекистон Республикасида жами 50 284,6 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 110,8 % ни ташкил этди.

Бажарилган қурилиш ишлари динамикаси



	Ҳажм, млрд сўм	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси¹	50 284,6	110,8
Қорақалпоғистон Республикаси	1 764,4	105,8
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	2 232,3	107,7
Бухоро	3 215,0	103,6
Жиззах	1 419,5	111,0
Қашқадарё	3 050,1	103,5
Навоий	2 409,1	109,9
Наманган	2 476,5	108,7
Самарқанд	2 731,1	106,8
Сурхондарё	2 475,0	101,2
Сирдарё	984,9	104,9
Тошкент	6 562,5	120,1
Фарғона	3 505,0	116,5
Хоразм	2 249,4	110,4
Тошкент ш.	13 750,0	122,0

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Қурилиш ишлари ҳажми \(ойлик\)](#)

[Қурилиш ишлари ҳажми \(йиллик\)](#)


¹ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.

II. Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари

2025 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида бажарилган қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши қуйидагича:

- бинолар ва иншоотлар қуриш йўналиши 71,6 % улушни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 108,4 % ни ташкил этди;
- фуқаролик объектларини қуриш йўналиши 18,7 % улушни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 117,5 % ни ташкил этди;
- ихтисослаштирилган қурилиш ишлари йўналиши 9,7 % улушни ва 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 117,3 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ўсиш суръати ва ҳажми



Иқтисодий фаолият турлари бўйича корхона турлари кесимида қурилиш ишлари

	Бино ва иншоотлар қурилиши	Фуқаролик объектлари қурилиши	Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари
Йирик қурилиш ташкилотлари ҳажми, млрд сўм	6 945,9	2 992,7	1 081,7
ўсиш суръати, % да	132,7	136,9	115,9
Кичик корхона ва микрофирмалар ҳажми, млрд сўм	13 983,0	6 424,1	3 814,1
ўсиш суръати, % да	103,2	110,3	117,7
Норасмий сектор ҳажми, млрд сўм	15 042,7	0,4	-
ўсиш суръати, % да	104,3	60,5	-

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми \(ойлик\)](#)

[Бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми \(йиллик\)](#)


[Фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми \(ойлик\)](#)

[Фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми \(йиллик\)](#)

[Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми \(ойлик\)](#)

[Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми \(йиллик\)](#)

III. Қурилиш ишлари ҳажмининг корхоналар турлари бўйича тақсимоти




Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан 2025 йилнинг январь-март ойида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 11 020,3 млрд сўмни ташкил этди. Кўриб чиқиладиган даврда қурилиш ишлари ҳажми 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 131,9 % ни ва уларнинг умумий ҳажмдаги улуши 3,5 % га кўпайиб, 21,9 % ни ташкил этди.

Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 48,2 % и тўғри келиб, улар ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари ҳажми 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 107,1 % ни ташкил этган ҳолда 24 221,2 млрд сўм миқдорида қайд этилди.

Норасмий секторда қурилиш ишларининг улуши 29,9 % ни ёки 15 043,1 млрд сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 104,3 % ни ташкил этди.

Корхона турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари



Худудлар кесимида корхона турлари бўйича
бажарилган қурилиш ишлари

	Ҳажм, млрд сўм			Ўсиш суръати, % да		
	Йирик	Кичик ва микрофирма	Норасмий сектор	Йирик	Кичик корхона ва микрофирма	Норасмий сектор
Ўзбекистон Республикаси²	11 020,3	24 221,2	15 043,1	131,9	107,1	104,3
Қорақалпоғистон Республикаси	159,1	1 052,3	553,0	109,1	110,1	97,6
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	300,8	1 426,9	504,6	266,1	108,1	78,7
Бухоро	433,3	1 324,6	1 457,1	97,1	107,8	102,1
Жиззах	187,8	717,8	513,9	228,2	104,7	100,3
Қашқадарё	549,2	1 526,3	974,6	90,4	109,5	103,1
Навоий	545,0	865,0	999,1	142,7	103,9	102,2
Наманган	182,9	1 164,0	1 129,6	154,7	105,4	106,9
Самарқанд	293,8	1 802,8	634,5	65,9	115,1	117,0
Сурхондарё	219,0	1 336,4	919,6	154,5	108,2	85,7
Сирдарё	173,4	648,6	162,9	134,6	107,2	78,6
Тошкент	1 403,1	2 396,4	2 763,0	186,6	109,4	109,4
Фарғона	711,6	1 627,5	1 165,9	192,2	110,2	100,1
Хоразм	315,9	815,0	1 118,5	156,4	109,1	102,7
Тошкент ш.	4 085,6	7517,6	2 146,8	176,4	103,3	127,7

Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори ўсиш суръатлари Андижон вилоятида (2024 йилнинг мос даврига нисбатан 266,1 %), Жиззах вилояти (228,2 %) ва Тошкент вилоятида (192,2 %) қайд этилди.

Кўриб чиқилаётган даврда кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори ўсиш суръатлари Самарқанд вилояти (2024 йилнинг мос даврига нисбатан 115,1%), Фарғона вилояти (110,2 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида (107,7 %) кузатилди.

IV. Қурилиш ишлари услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Қурилиш ишлари – бино ва иншоотларни барпо этиш, қайта тиклаш, кенгайтириш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари мажмуаси сифатида қурилиш ишлаб чиқаришининг натижасидир.

Қурилиш ишлари қийматига қурилиш участкаларининг ўзлаштириш ишлари режасини тузиш ва тайёрлаш, сув таъминоти, иссиқлик, канализация, пойдеворларни ўрнатиш, деворларни кўтариш, бино конструкцияларини монтаж қилишнинг санитар-

² Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.

техника ишлари, бошқа пудрат ишлари (ишга тушириш ва созлаш, гидроювиш ишлари, ер қатламини очиш, техник-маданий ишлар ва бошқалар) киритилади.

Қурилиш ишларининг статистик ҳисоби ҳисобот даврининг амалдаги нархларида, қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда, тўлов муддатидан қатъи назар, ҳисобот даврида ҳақиқатда бажарилган ҳажм бўйича амалга оширилади.

Қурилиш ишлари ҳажми бўйича статистик маълумотлар қуйидагилар асосида шакллантирилади:

а) қурилиш фаолиятини олиб боровчи юридик шахсларнинг статистика ҳисоботлари (ойлик, йиллик);

б) кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолиятининг чораклик танланма кузатув натижалари;

в) жисмоний шахслар томонидан якка тартибдаги уй-жой ва нотурар-жой объектлар қурилиши мониторинги билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари статистика ҳисоботлари;

г) фойдаланишга топширилган якка тартибдаги уй-жойларни танлама статистик кузатуви маълумотлари;

д) якка тартибдаги уй-жойларни хўжалик усули билан таъмирлаш ҳажмини статистик баҳолаш.

Метамаълумот учун ҳавола:

<https://stat.uz/files/349/METAMALUMOTLARuz/1875/Qurilish-ishlari.pdf>

<https://stat.uz/files/349/METAMALUMOTLARuz/1877/Aholi-jon-boshiga-qurilishishlari.pdf>

Тайёрлаш учун масъул:
Инвестициялар ва қурилиш
статистикаси бошқармаси

Ижрочи:
Д. Хидиралиева
71 203-80-00 (1163)

Манзил:

